

Табиат ва инсон

Хайвонларда учрайдиган турли юқумли касалликларнинг олдини олиш айтиш пайтда бартаф этиш мақсадида соҳа олимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ана шуларнинг ақидан таништириш мақсадида "Туркистон-пресс" мухбири Ўзбекистон Ветеринария илмий-тадқиқот институти арахноэнтмология лабораторияси мудири, ветеринария фанлари доктори Аҳрор РЎЗИМУРДОВ билан суҳбатлашди.

— Фан ва техника ривож таъсирида кишилар яшаб турган экосфера — ҳаво, tupрок, сув, усимлик ва ҳайвонот дунёси шундай зарарландики, буни на табиатнинг ўзини-ўзи зарарсизлаштириш дастлакли, на инсоннинг ўзи бартаф этишга қодир. Пестицидлар, биологик фаол моддалар ва тўлик ёки бутунлай парчаланмайдиган моддалар

нисбатан 5-6 қарра зиёд самара бериши билан бирга, зарари ҳам катта. Мазкур гуруҳдаги препаратлардан, цирметрин кўплаб лаборатория ва ҳўжалик шароитларида ўтказилган синовларда юқори самара кўрсатди. Жумладан, шу йилнинг май ойидаёқ ушбу препарат "Жом" ширкат ҳўжалигида (Нуробод туманида) 7000 бош қўйда, Улуғбек номли жамоа ҳўжалигида (Тойлоқ тумани) 360 бош қорамолда қана ва ҳашоратларга қарши курашда қўлланилди. Дастлабки натижалар ижобий бўлди. 2001 йилда ушбу препаратни Навоий электротехника заводида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш режалаштирилмоқда. Ишларни самарали давом эттириш учун қўйидаги муаммоларга эътибор қаратиш ло-

малада мавжудлиги бунинг далилидир. Бундай ҳаракатлар ноқонуний ҳисобланиб, кескин таъқиқланади зарур. Зудлик билан чорвачилигимизни пестицидлар яққа-ҳўқимлигиндан, қолоқ ва зарарли усуллардан, хорижга бўлган мутеликдан қўтариш чораларини кўришимиз, республикамиз илм аҳли ва илмий муассасалари эътибори-

ДАСТУРХОНИМИЗДАГИ ТАОМ СИФАТИ ҚАНДАЙ? ЁКИ ЭКОЛОГИЯ ХҲУСУСИДА ДИЛ ҚУЯДИГАН МУАММО

туфайли биосферанинг кундан-кунга зарарланиши даражаси ошиб бораётганини сир эмас. Натижада, усимлик ва ҳайвонлардан олинмаган истеъмол маҳсулотларидан инсон вужудининг захарланиши кузатилаётди. Амалийтада қўлланилаётган кимёвий пестицидлар орасида инсон ва ҳайвон вужудига салбий таъсир этмайдиганларини топиш қийин. Уларнинг қариб барчаси организмга тушган, зарарли таъсир этишга, ирсий ҳужайраларнинг шикастланишига, оксилферментлар тизими ҳужайра ва тўқималар ўсшининг бузилишига, саратон, гепатит, асаб касалликлари кўпайишига, организмнинг иммун қобилиятини издан чиқариб, кўплаб юқумли (сил, коракос, сармас ва ҳўказо) хасталикларнинг ривожланишига олиб келиши фанда ўз исботини топган.

Чорвачиликда анхитоз касалликларига қарши курашда қўлланиладиган фосфорорганик, карбонат, триквиллин, бензимидазол ва бошқа бирикмалар мавжудки, уларнинг кичик дозалари ҳам организмни кучли зарарлайди. Масалан, республикамиз қоракўччилик ҳўжаликларида узоқ йиллар мобайнида қўйларга муттасил бериб келинган фенолитазиннинг оз миқдори ҳам марказий нерв тизимини кучли таъсирлаш хўсусиятига эга. Унинг таъсирида организм ташқи ўзгаришларини, таасуротларини яқши сезмайдиган, камҳаракат бўлиб қолади. Бундай ҳолат қўйларда ўтказилган тажрибаларда кузатилган. Ҳаво совуқ пайт мазкур препарат таъсирида тана ҳарорати тушиб кетиши натижасида кўплаб қўйлар қирилиб кетган.

Мазлумки, номлари тилга олинган бифос, хлорофос каби пестицидлар таъқиқланганига қармасдан ҳозир ҳам амалийтада қўлланилаётди. Илгари хориж пестицидларининг синаш майдонига айлан-тирилган республикамиз бу-гун ҳам хорижий кимёвий до-рилар ишлаб чиқарувчи фир-малар эътиборидан четда қо-лган эмас. Улар бизларни а-ноий деб ўйлаб, ўзларининг яқши-ёмон препаратларини мамлакатимизда рўйхатдан ўтказишга уринмоқдалар. Бъ-зан бунга эришмоқдалар ҳам. Мутахассислар синовидан ўтказилмаган кўп хориж пе-стицидларининг савдо ва муо-

ним: аввало, мақсадли ра-вишда республика чорвачи-лиги эътиёри учун мустақил фаолият юритадиган махсўс илмий-тадқиқот Биоусул ин-ститути ёки Илмий марказ таъсис этилиши керак. Шун-га мувофиқ, республикада кимёвий пестицидларнинг қўлланилишини назорат қилувчи қонуншунослик ҳў-жатлари тизимини ва кўрсат-маларини мукамаллашти-риш, уларнинг бажарилиши-ни таъминлаш, кимёвий пре-паратларни рўйхатдан ўт-казиш тизимини янада тақом-иллаштириш, озик-овқат мах-сулотларида кимёвий пести-цидлар қолдиғини текшириш ишларини ташкил қилиш ло-зим. Ушбу тадбирлар амалга оширилса, яқин келажакда чорвачилик кимёвий дори қўлланилиши камая бориши-га ҳамда соғлом авлод яратиш муаммоларини янада муваф-фақтлорик ечиш имкониятла-рига эришамиз.

Чорвачилик фермаларида ҳашоратларга қарши кура-шининг усули тавсия этилиб, иктисодий ва санитар-гиги-ени қўрсаткичларга эришиш мумкинлиги исботланган. Микробиологик усул бораси-да тадқиқотлар, айнқиса, эътиборга моликдир. Зарар-ли ҳашоратларни ноубуд қиладиган 7 хил энтомоген микроорганизм ажратиб, уларнинг биохимик, морфо-логик хўсусиятлари ўрганил-ди. Шулардан бири лабора-тория шароитида қўйларни гипонатоз, маллофагоз, эс-троз касалликларидан даво-лаш ва "Нурота" ширкат ҳў-жалигида 500 бош қўйни эс-троз касаллигидан даволашда қўлланилиб, юқори натижа-ларга эришилди. Яқин кел-ажакда ушбу бактериал пре-парат кўплаб ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ни-ятиимиз бор. Фитопрепаратлар устидаги тадқиқот натижа-лари ҳам яқин келажакда рес-публикамизни хориж препа-ратларига бўлган мутеликдан чиқаришда фойда беради, деб ўйлаймиз.

Айни кунда сунъий йўл билан олинмаган усимлик препаратлари устида катта тадқиқот ишлари олиб бори-лаётди. Бу препаратлар оз миқдорда қўлланилганда ҳам фосфорорганик, карбонат, хлорорганик бирикмаларга

қарши курашда қўйларга қарши кура-шининг усули тавсия этилиб, иктисодий ва санитар-гиги-ени қўрсаткичларга эришиш мумкинлиги исботланган. Микробиологик усул бораси-да тадқиқотлар, айнқиса, эътиборга моликдир. Зарар-ли ҳашоратларни ноубуд қиладиган 7 хил энтомоген микроорганизм ажратиб, уларнинг биохимик, морфо-логик хўсусиятлари ўрганил-ди. Шулардан бири лабора-тория шароитида қўйларни гипонатоз, маллофагоз, эс-троз касалликларидан даво-лаш ва "Нурота" ширкат ҳў-жалигида 500 бош қўйни эс-троз касаллигидан даволашда қўлланилиб, юқори натижа-ларга эришилди. Яқин кел-ажакда ушбу бактериал пре-парат кўплаб ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ни-ятиимиз бор. Фитопрепаратлар устидаги тадқиқот натижа-лари ҳам яқин келажакда рес-публикамизни хориж препа-ратларига бўлган мутеликдан чиқаришда фойда беради, деб ўйлаймиз.

ни маҳаллий ва табиий ашё-лардан зарарсиз препаратлар олиш, синтёз ва ресинтёз қилиш ишларига қаратмоғи-миз лозим. Экосферага, ин-сон соғлиги ва ҳайвонот дун-ёсига зарарсиз бўлган био-логик усул ва воситаларни тад-қиқ ҳамда тадбиқ этиш чора-тадбирларини тезроқ, кечиктирмай кўришимиз ке-рак бўлади. Лабораториямиз ходимла-ри кейинги йилларда ки-шлоқ ҳўжалик ҳайвонларини паразитоз касалликларидан, хавфли касалликларни тар-қатувчи ҳашорат ва каналар-дан ҳимоя қилишининг био-логик усул ва воситаларини тад-қиқ қилиш билан кенг қўла-да шуғулланиб, кўнгилдаги-дек ютуққа эришилди. Рес-публикамизда яёвловларида, чорвачилик ва ферма мажму-аларида 139 турдаги фойда-ли ва юзлаб зарарли ҳашо-ратлар, қана турлари аниқ-ланди. Уларнинг фенологик, экологик, биологик хўсусият-лари, тарқатиш миқёси ва ижтимоий-иктисодий зарари ойдинлашди. Чорвачилик фермаларида ҳашоратларга қарши кура-шининг усули тавсия этилиб, иктисодий ва санитар-гиги-ени қўрсаткичларга эришиш мумкинлиги исботланган. Микробиологик усул бораси-да тадқиқотлар, айнқиса, эътиборга моликдир. Зарар-ли ҳашоратларни ноубуд қиладиган 7 хил энтомоген микроорганизм ажратиб, уларнинг биохимик, морфо-логик хўсусиятлари ўрганил-ди. Шулардан бири лабора-тория шароитида қўйларни гипонатоз, маллофагоз, эс-троз касалликларидан даво-лаш ва "Нурота" ширкат ҳў-жалигида 500 бош қўйни эс-троз касаллигидан даволашда қўлланилиб, юқори натижа-ларга эришилди. Яқин кел-ажакда ушбу бактериал пре-парат кўплаб ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ни-ятиимиз бор. Фитопрепаратлар устидаги тадқиқот натижа-лари ҳам яқин келажакда рес-публикамизни хориж препа-ратларига бўлган мутеликдан чиқаришда фойда беради, деб ўйлаймиз.

ни маҳаллий ва табиий ашё-лардан зарарсиз препаратлар олиш, синтёз ва ресинтёз қилиш ишларига қаратмоғи-миз лозим. Экосферага, ин-сон соғлиги ва ҳайвонот дун-ёсига зарарсиз бўлган био-логик усул ва воситаларини тад-қиқ ҳамда тадбиқ этиш чора-тадбирларини тезроқ, кечиктирмай кўришимиз ке-рак бўлади. Лабораториямиз ходимла-ри кейинги йилларда ки-шлоқ ҳўжалик ҳайвонларини паразитоз касалликларидан, хавфли касалликларни тар-қатувчи ҳашорат ва каналар-дан ҳимоя қилишининг био-логик усул ва воситаларини тад-қиқ қилиш билан кенг қўла-да шуғулланиб, кўнгилдаги-дек ютуққа эришилди. Рес-публикамизда яёвловларида, чорвачилик ва ферма мажму-аларида 139 турдаги фойда-ли ва юзлаб зарарли ҳашо-ратлар, қана турлари аниқ-ланди. Уларнинг фенологик, экологик, биологик хўсусият-лари, тарқатиш миқёси ва ижтимоий-иктисодий зарари ойдинлашди. Чорвачилик фермаларида ҳашоратларга қарши кура-шининг усули тавсия этилиб, иктисодий ва санитар-гиги-ени қўрсаткичларга эришиш мумкинлиги исботланган. Микробиологик усул бораси-да тадқиқотлар, айнқиса, эътиборга моликдир. Зарар-ли ҳашоратларни ноубуд қиладиган 7 хил энтомоген микроорганизм ажратиб, уларнинг биохимик, морфо-логик хўсусиятлари ўрганил-ди. Шулардан бири лабора-тория шароитида қўйларни гипонатоз, маллофагоз, эс-троз касалликларидан даво-лаш ва "Нурота" ширкат ҳў-жалигида 500 бош қўйни эс-троз касаллигидан даволашда қўлланилиб, юқори натижа-ларга эришилди. Яқин кел-ажакда ушбу бактериал пре-парат кўплаб ишлаб чиқариш технологиясини яратиш ни-ятиимиз бор. Фитопрепаратлар устидаги тадқиқот натижа-лари ҳам яқин келажакда рес-публикамизни хориж препа-ратларига бўлган мутеликдан чиқаришда фойда беради, деб ўйлаймиз.

Туркистон-пресс

Хабарлар

Ёш қаламқашлар ҳомийси

Хусусий туғруқхона — соғлом авлод учун

Сеннинг тенгдошинг

Одатда оддийгина туолган юмушлар неғизда мураккаб сир-асрорлар ётади. Олай-лик, асаларичиликни. Болга бармоқни теккизиб ялаш учун боғ-боғчанга асалари қутисини келтириб қўйиш кифоя қилмайди. Минг дард-га даво наъма ундирувчи бу қанотли ҳашоратларни ас-раш ҳадисини олмагунча

асаларичи қиз

бормоқни болга ботириш

ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ ИМКОНИЯТЛАРИ

Сиёсий партиялар — демократик фуқаролик жамиятининг асоси. Сиёсий партиялардан илғор мамлакатларда бир неча юз йиллардан бери демократиянинг асосий институти сифатида фойдаланиб келинади. Биринчи партиялар тўғрисидаги асар (1735 йилда) муаллифи инглиз Лорд Генри Голдингброк ҳисобланади. Унда жамиятни демократлаштириш, ҳокимиятни эгаллаш, бошқаришни демократик йўллар билан амалга ошириш госяи илгари сурилган. Собик иттифок даврида сиёсий партия асо-

сан ҳамма ҳокимиятни эгаллаб олиб; партияга хос бўлмаган функцияларни, қандайдир "олий ҳакам"лик вазифасини бажарган. Аслида ҳар бир демократик жамиятнинг сиёсий тизимида биринчи ўринда давлат турса, унинг қолган қисмини сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари тўлдирishi керак. Демак, партиялар фуқаролар билан давлатни боғлаб турувчи бир бўғин вазифасини бажариши зарур. Кўпчилик кўз ўнгига ҳали ҳам партия деганда қандайдир бир "жанговар" ташкилот — "эргаштирувчи", "бу-

юрувчи", "сафарбар қилувчи куч" гавдаланади. Аслида партияни демократик мамлакатларга хос тушунча ва ўлчовлар асосида тасаввур қила олишимиз зарур. Ана шундангина фуқароларнинг партияга бўлган қизиқиши ортади. Партия ҳақидаги ҳақиқий тушунчани биринчилардан бўлиб Макс Вебер ифодалаган: "Партиялар ўз аъзоларининг ихтиёрига асосланган, ўз олдига аъзоларининг моддий фойда ёки шахсий имтиёзлар олиш учун маънавий ва моддий шароитлар яратиш мақ-

садида сиёсий ҳокимиятни эгаллашга йўналтирилган жамоат ташкилотидир". Демак, кўриниб турибдики, партия халқдан ёки давлат ҳокимиятидан қучли нарса эмас, балки давлат билан халқ ўртасидаги воситачи бўлиб, шу билан бирга сиёсий маданиятни юксалтирувчи омиллардан биридир. Сиёсий партияларнинг аҳамияти шундаки, сайловлар партияда курсатилаётган номзодлар истеъдодли, халқ ўртасида обрў топган кишилардан иборат бўлиши таъминланади. Бошқача қилиб айтганда, етакчилар-

нинг ҳалол қонуний танланиши рўй беради. Қолаверса, парламентдаги партия фракциялари ўртасидаги муносабатлар ва муқобил йўл-йўриқлардан жамият ривожининг янада мукамал жараёнлари ҳосил бўлади. Партияларнинг ривожланиши ҳар хил кечади. Бу ривожланиш ҳар бир давлат, миллат тарихи, руҳияти, ижтимоий-сиёсий таърибасида келиб чиқиб, миллий хўсусиятлари асосида турлича бўлади. Саидабдулазизбек ЮСУПОВ

Огоҳликка доъват

ЯНГИ НИҚОБДАГИ ЁВУЗ НИЯТЛАР

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

"ҲИЗБУТ-ТАҲРИР" НИМА БЕРМОҚЧИ?

Коммунистик ақидапарастлар Шўролар мамлакати худудига яшаётган турли миллат ва элатларга мансуб халқларга оммавий бахт-саодат ва фаровонлик беришни тинмасдан ваъда этган, аслида эса бор нарсасидан айирган, моддий қашшоқ, маънавий мажруҳ этган бўлсалар, "Ҳизбут-таҳрир"чилар улардан фарқли равишда халққа ҳеч нарса бермоқчи эмас, фақат, ҳокимиятни олмоқчи, инсоният бошига янгида-янги фожеваларни келтиришга шайланган яна бир ҳаёлий салтанат — халифаликни яратмоқчи, ҳолос.

Шу мақсад йўлида ҳар қандай ёвузлик ва қонхўрликдан, қўпуровчилик ва бузғунчиликдан қайтмайдиган бир ҳовуч қучлар ер юзини беш миллиарддан ошиқ аҳолисига қарши жиҳод эълон қилиб, улар яшаётган мамлакатлар, жамиятлар ва тўзулларини ер билан яқсон қилиб, ҳозирча ягона амирга, сўнгра яқин ҳақида итот этадиган яхлит мамлакат барпо этишни ўзларига мақсад қилиб олганлар.

Шу ўринда бир нуктага изох бериб ўтишга тўғри келади: бугунги кунда дунёда бир миллиард икки юз миллиондан ошиқ мусулмонлар яшаб келаятгани ҳолда "Ҳизбут-таҳрир"чилар бу улкан жамоанинг асрлар давомида ардоқлаб келаятган диний эътиқодини тан олмоқчи эмас. Ислом динининг беш муқаддас фарзини адо этаятганларнинг аксарият қисмини ҳам хали чин мусулмон, деб ҳисобламайдилар, мақсадлари рўёбга чиққан тақдирда уларни янада қайтадан ўз ақидаларига бўйсундиришни ҳавл қиладилар. Мабодо, бўйсунмас турли жазоларга гирифтор этиш ва қириб ташлашдан ҳам тап тортмайдилар.

Бу борада бутун дунё коммунистларини ашаддий даҳрийлар, деб тан олган ҳолда, ўзларини чинакам ҳудудий ҳисоблайдиган "Ҳизбут-таҳрир"чилар тўдаси амалий фаолиятда коммунистик ақидапарастларнинг йўлидан боришдан ҳазар қилмайдилар.

Биринчидан, улар ҳам коммунистик ақидапарастлар сингари оммани ўзига жалб этиш, оломондан қирғин лашкарларини тайёрлашининг энг ишончли воситаси сифатида мафкуравий йўлни танлаб олганлар, ўзларининг гоё ва мақсадларини, энг аввало, ёшлар онгига сингдириш, улардан гоъвий, сўнгра ҳақиқий жангчилар яратишни режалаштирганлар.

Иккинчидан, "Ҳизбут-таҳрир"га кирган ёшлар ҳамма нарсадан — ўзининг орзу ва мақсадларидан, миллатидан, миллий кадриятларидан, урф-одатларидан, керак бўлса ота-онаси, ака-укасидан ҳам воё кечиши, агар вазият тақозо этса, ўз уйига ўт қўйишга, ўз оға-инисига қарши тиг кўтаришга, уларни жисмоний жиҳатдан йўқ қилишга тайёр бўлиши лозим.

Учинчидан, асрлар давомида турли минтақаларда курашлар, тортишлар, баҳслар, изланишлар жараёнида вужудга келган турли сиёсий тизимларни, давлат-

Огоҳликка доъват

ЯНГИ НИҚОБДАГИ ЁВУЗ НИЯТЛАР

ни ва халқни бошқариш усулларини биратўласига йўқ қилиб ташлашни мўлжаллашган. Туртинчидан, инсоният яратган барча фан-техника ютуқларининг, одамзоднинг оғирини энгил, мушкулни осон қилаётган барча илмий кашфиётларнинг, маданий-маърифий соҳада эришилган ютуқларнинг баҳридан кечиб сингари режалари ҳам йўқ эмас.

Холбуки, ўзлари "гайридин" ёки "динсиз", деб ҳисоблайдиган заковат эгалари яратган ҳаво кемаларида учидан, энг сўнги русумдаги транспорт воситаларида кўзлаган манзилларига етиб боришдан, энг замонавий ўқ отар қуролларидан ва портлатиш ускуналаридан фойдаланишдан, теле ва видео ускуналар орқали шаҳвоний фильмларни томоша қилишдан, компьютер орқали иш юритишдан, тақомиллашган алоқа воситаларининг фойдаланишдан заррча ҳазар қилмайдилар, балки, ҳузур қиладилар.

Бешинчидан, уларнинг дастурида жаҳоннинг молиявий-иктисодий тизимларини тубдан ўзгартиришининг ақл бовар қилмайдиган "ғаройиб" режалар ҳам мавжуд. Олтинчидан, "Ҳизбут-таҳрир"чилар жаҳон халқларининг истеъдоди ва изланишлари самараси сифатида пайдо бўлган умумбашарий мўлққа айланган маданият, адабиёт, санъат, меъморчилик асарларини ёппасига қўйдириб, ер билан яқсон қилишни орзулайдилар.

Еттинчидан, барча халқларни ўзининг тарихидан, энг мўстабар — маънавий қучқурат берадиган манбалариндан жудо қилиш, ягона бир мафкуравий қулига айлантириш, эркин фикрлаш туйғусидан маҳрум этиш ҳам бу диний-сиёсий ҳаракатнинг бош ниятларидан биридир.

Демакки, оқибатда "Ҳизбут-таҳрир" раҳнамолари яратган гоё ва ақидаларига сўзсиз бўйсунувчи фикрсиз, шуррсиз, мақсадсиз оломон вужудга келиши, уларнинг хоҳиш-иродасини ҳеч бир муҳокамасиз, мушоҳадасиз бажариши лозим.

Бу оломон ягона халифанинг, унинг амири ва бошқа мансабдорларининг буйруғи асосида яшашига ва турмуш кеңиришига маҳкум, акс ҳолда шафқатсиз жазоларга гирифтор этилади.

КПСС раҳнамоларининг ҳам, гитлерчиларнинг ҳам мақсади шу эди. Шу мудҳиш мақсад бугунги кунда фақат "Ҳизбут-таҳрир" либосини кийиб майдонга чиқди, ҳолос.

Улардан "қизил террор", "оқ террор", "қора террор"ни мерос қилиб олган бу жиний тўда мамлакат ва халқларнинг тинч ҳаётига таҳдид солиши, беғуноҳ инсонларни жисмоний маҳв этиш, портлашлар ва қирғинлар уюштириш орқали кўнгилларда доимий қўрқув ва таҳлика уйғотиш йўлини танлаганлар ва шунга риоя қилмоқдалар.

Бахтиёр РИЗО (Давоми келгуси сонда)

Спорт

ЖАҲОНГА ЙЎЛ

Куни кеча МХСКда эркин кураш бўйича АҚШ ва Ўзбекистон ёшлар терма жамоалари ўртасида мусобақалар бўлиб ўтди. Қизиқарли кураш мусобақасида Ўзбекистон жамоаси фойдасига 8:2 ҳисоби қайд этилди. Бу бежиз

Шу кунларда Сидней Олимпиадасига тайёр-гарлик кўраётган полвонларимиздан умидимиз катта. Зеро, улар ўзларига билдирилган ишончнинг оқлаш учун Олимпиада майдонида беллаша-

курашчиларининг келажига катта умид билдириб, Ўзбекистонда айнан шу спорт турида аъ-спортчиларимиз ва ташкилотчилар орасида янада яқин муносабатларни ўрнатишга хизмат қилди. Ўзбекистонда бўлиб, бизни ҳайратга соладиган спортдан ҳам бошқа нарсалар кўп эканлигига амин бўлдим. Бундай мусобақалар мустақил давлатимизда

эмас. Чунки спортнинг бу тури бўйича ўтказила-диган барча халқро мусобақаларда ҳам ҳамюртларимизнинг юқори по-гоналардан ўрин олиб кел-лаётганликлари маълум-дилар. Олимпия чемпиони, АҚШ жамоасининг му-раббийси, АҚШ эркин ку-раш спорти ҳаракати-нинг ташаббускори Энди Петерсон ёш ўзбек аналар мустаҳкам экан-лигига тан берди: — Биз биринчи мусо-бақани Самарқандда ўтказиб, 5:5 натижага эришгандик. Энг қуво-нарлиси, бу мусобақалар спорт, соғлом авлод тар-биясига алоҳида диққат-эътиборда эканлигига яна бир мисолдир. Абдугани ЖУМАЕВ (Муаллиф олган суратлар)

Ғолиблик ишқида

Жиззах вилояти Арнасай туманида беш йўналиш бўйича туманининг барча ташкилот, мактаб ва лицейларида голиб деб топилган 14 нафар қиз "Зулфия" мукофоти номзодлигига ўтказилганда кўрик-танловнинг навбатдаги босқичига қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Ғолиб қизларга чиройли гулдасталар ва эсдалик совғала-

Ғолиблик ишқида

ри топширилди. Шундай қилиб, кўрик-танловнинг яқуний натижасига кўра, 5 нафар қиз — Анароҳл Қувондиқова, Азиза Ҳамроева, Насиба Қўнишова, Мунира Тиллаева ва Гулнора Қаршиева танловнинг вилоят босқичида қатнашадиган бўлди. Шаҳноза МАҲМУДОВА

Соғлом авлод — буюк давлат таянчи

Бундан икки йил аввал Президентимиз ташаббуслари билан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ислоҳоти тўғрисидаги дастур ишлаб чиқилганди. Унда Тошкент Фармацевтика институтининг зиммасига доривор ўсимликларни маданийлаштира оладиган, уларнинг селекцияси ва генетикаси билан шуғуллана оладиган ҳамда ўсимлик хом ашёсидан дори препаратларини яратадиган агроэколог, муҳандис-технолог кадрлар тайёрлаш билан бир қаторда янги дори препаратларини яратиш ва уларни амалиётга жорий этиш вазифалари юклатилганди. Хўш, ўтган давр мобайнида институтда мазкур вазифалар қай даражада амалга оширилди? Институт олимлари билан ўтказган давра сўхбатимизда ана шу масалалардан ташқари фармацевтларнинг мустақиллик ва ундан олдинги даврда жамиятдаги ўрни ҳақида ҳам фикр юритилди.

Ҳожиасрор КОМИЛОВ — Фармакогнозия кафедраси мудири, фармацевтика фанлари доктори, профессор: — Собиқ иттифоқ даврида фармацевт олимларимиз битта препарат яратиш учун камида умрларининг йигирма йиллини сарфлашарди. Дорининг лабораториядан пештахтага бунчалар узок вақт мобайнида чўзилиб чиқилишининг сабаби комплекс текширувлар ва қатор бюрократик ташкилотларнинг маъжудлиги ва уларнинг илмий аниқликларга йўл бермаслиги, тўғрисида, зиёли кадрларни янчи ташлаш сийёсатини олиб борганликлари билан изоҳлаш мумкин. Шунинг учун у даврда бирон бир тадқиқотчи яратган препаратига патент олмаган. Эътибор бериш, Тошкент Фармацевтика институти тўқсонинчи йилгача бор-йўғи битта ёввойи сабази уруғи ўсимлигидан тайёрланган "фармакопоя" дорисини амалиётга жорий қилди, холос.

Мустақиллик даврида эса ҳозиргача институтимиз олимлари томонидан доривор ўсимликлардан олинган йигирма битта препарат амалиётга жорий этилди. Айни пайтда улар ёрдамида шифохоналардаги меъда-ичак, юрак, қон-томир, ўлка, буйрак, тери касалликларига чалинган беморлар даволанмоқда. Мазкур дориларимиз жорий йилда Германияда ўтказилган тиббиёт кўргазмасида ҳам немис ишбилармонлари томонидан юқори баҳоланди ва улар биз билан шартнома имзолаш ва Ўзбекистон дори-дармонларини Олимпияда тақришти тақлифини киритишди. Чунки, бу препаратлар но-хуш таъсири жуда камлиги ва бошқа табиий бирикмалар орасида ижобий даволаш хусусиятига эгаллиги билан ҳамкорларнинг эътиборини тортди-да.

Муҳаммадjon УСУББОЕВ — Тайёр дори турлари тек-

МУСТАҚИЛЛИК ОРЗУ-УМИДЛАРИМИЗНИ РЎЁБГА ЧИҚАРДИ

нологияси кафедрасининг мудири, фармацевтика фанлари номзоди:

— Ҳозирги кунда кафедранинг ўнлаб мутахассислари тайёр дориларни ишлаб чиқариш технологияси бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боришаётир. Масалан, сўнгги йилларда олимларимиз мўмиё асил таблеткасини Марказий Осиёда биринчи бўлиб яратиб, амалиётга жорий қилди. Бундан ташқари, камқонлик, аллергия, қанд касалликларини даволашда болалар ва катталар учун мўлжалланган ферамид, диазолдин, глипилит таблеткаларини ҳам ишлаб чиқаришга муваффақ бўлишди. Айни пайтда кафедра-миз тадқиқотчилари камқонлик ҳастагилигини даволашда фойдаланганидан аскофер куруқ қиёмини ферамид ва мўмиё аралашмасидан яратиш устида ишлашаёпти.

Энди мамлакатимизда дори мустақиллигига эришиш учун қандай амалий ишлар олиб борилиши лозим? Биринчидан, республикамиздаги 32 та дори ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарнинг барчаси Дори-дармон уюшмаси бюртмалари асосида республикамиз талабини биринчи галда таъминлаши лозим. Иккинчидан, фармацевтика саноатини доривор ўсимликлар хом ашёси билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиз ҳудудидан доривор ўсимликларни етиштирадиган махсус ҳўжаликлар ташкил этилишини янада тақомиллаштириш ва табобатда хом ашё тақчиллигига барҳам бериш лозим.

Зарифа НАЗАРОВА — Махсус дорилар технологияси кафедраси мудири, фармацевтика фанлари доктори, профессор:

— Яқинда кафедрамиз жамоаси профессор С. Н. Аминов раҳбарлигида минерал гилмови ва пахта соабтоқ ёғ кислоталари ҳосиласидан анестезин, этаридин лактат, олтингургурт суртмаларини яратишди. Бундан ташқари маҳаллий хом ашёдан тайёрланган фурацилин, ксероформ ва балъзамли суртмаларимиз амалиётга жорий этилиш арафасида...

Абдулла ИБРАГИМОВ — доривор ўсимликларни стандартлаштириш кафедраси доцент, фармацевтика фанлари доктор:

— Собиқ иттифоқ замонида доривор ўсимликлар хом ашёсини марказдан олиб келардик. Мустақилликка эришганимиздан сўнг фармацевтика саноати хом ашё билан ўз-ўзини таъминлашга ўтди ва мамлакатимиз иқлим шароитида ўсадиган тўрт мингдан ортиқ ўсимлик турларининг олти юзга яқинидан халқ табобатида фойдаланилмоқда. Истиқлолнинг биринчи йилиданок Президентимизнинг мамлакатимизда дори мустақиллигини таъминлаш мақсадида доривор ўсимликлар аграр саноатини ташкил этиш тўри-

сидаги кўрсатмаларини амалга ошириш учун бу соҳада олий малакали кадрлар тайёрлашга киришдик. Хусусан, агробиотехнология факультетимизда ана шу ўсимликларни ўстироладиган ва махсулотни сифатли йиғиб ололадиган ўнлаб агрономлар тайёрланди. Ҳозирда улар ўрмон ҳўжалиги ва табиати муҳофаза қилиш кўмиталарида куч ва билимларини синая кўришмоқда.

Миржамол МИРАҲМЕДОВ — дори турлари технологияси кафедраси мудири, фармацевтика фанлари номзоди, доцент:

— Янги препаратларни ишлаб чиқариш учун республикамизда доривор ўсимликларнинг захиралари мавжуд. Олимларимиз ана шу ашилл манбаларни табиий ҳолатдан маълум меъёрий ҳолатга келтириб, табобатга жорий этиш устида бош қотиришмоқда. Улар пропосит препаратини тиббиётда ишлатишга тасвия этишди. У яқин кунларда амалиётга тадбиқ этилади.

Мамлакатимизда ҳозирда кўпчилик хусусий фирмалар дори савдоси билан шуғулланиб, сифатсиз ва "қимматбах" дориларни сотувага чиқаришоти. Шунинг хисобига олган ҳолда бугунги кунда фармацевтика соҳасини меъёрилар тўғрисида республика дориворлар ассоциациясини тузишга эҳтиёж сезилиб қолди.

Шаҳноза УМАРОВА — институт ўқув бўлими бошлиғи:

— Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуридан келиб чиққан ҳолда ўтган уч йилда институтимизда бир қанча ишлар амалга оширилди. Масалан: Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа бўлими (ЖССТЕБ) билан ҳамкорликда Нау Хау фонди ҳўмилигида институтнинг профессор-ўқитувчилари Буюк Британиянинг Манчестр, Ньюхастель, Ливерпуль, Голландия, Дания, Швеция, Исроил университетлари билан ҳамкорликда янги ўқув режа ва дастурларини тайёрладилар. Ушбу дастурлар ЖССТЕБнинг экспертлари томонидан юқори баҳоланди, Марказий Осиё мамлакатларининг фармацевтика факультетларида тадбиқ қилишга тасвия этилди.

Шу кунларда институтимизни илмий-ахборот изоляциясига таъсиб қилишдан сақлаш мақсадида Жаҳон стандартларида жавоб берадиган ўқув адабиётлари хорижий мамлакатлардан сотиб олинди. Бундан ташқари интернет тизими ва электрон почтаси барча кафедраларда ва бўлимларда мунтазам ишлатилгани учун ҳам олимларимиз дунё миқёсидаги ҳар қуёлик илмий аниқликлардан хабардор бўлиб боришаёпти. Ҳозирда талабаларимизнинг икки нафар, Америка Қўшма Штатларида тахсил олмақда. Хар ўқув йилида профессор-ўқитувчиларимиз ҳам хорижда малака ошириб қайтайтилар. Жумладан, институтимизнинг олимлари Швеция, Буюк Британия, Дания, Чехия ва Венгрия давлатларидаги академияларда таърибга алаштиришди. Уларнинг хориж таассуротлари янги педагогик технологиялар асосида ёзган қўлланма, маъруза матнлари кутубхонаимиздаги компьютер хотирасига киритилди. Ҳозирда талабалар улардан мунтазам фойдаланмоқдалар.

Ҳолдида МАҲҚАМОВА — фармацевтика фанлари номзоди, доцент, "Соғлом авлод учун" ордени совиридо-ри:

— Мустақиллик даврида ҳўкуматимиз томонидан аёлларимизга ғамхўрлик кўчайтирилди. Биргина бизнинг институти-мизда сўнгги тўққиз йилликда хотин-қизларимизнинг ўн олти

нафар фан номзоди ва фан доктори илмий даражасига эга бўлди. Истиқлолгача институтимиз олимлари фақатгина салмоқли Европа шаҳарларида ёзган диссертацияларини Илмий кенгаш муҳофазасига қўйишлари мумкин эди, холос. Шўрки, мустақиллик даврида институтимиз аёлларининг елкасига шамол теғди. Уларнинг интеллектуал салоҳиятларини мустақиллик рўёбга чиқарди. Қисқа вақт ичида З. Назарова, Х. Юнусова, Ф. Маҳмуджонова, Г. Тиллаевалар олий илмий даражага эга бўлдилар. Ректоримиз академик Садулла Исқандаровнинг саъй-ҳаракатлари билан институтимизнинг ўнлаб хотин-қизлари Дания, Испания, Исроил ва Нидерландия давлатларида амалиёт ўтадилар...

Яйра НАЗИРОВА — махсус дори турлари технологияси кафедраси аспиранти:

— Президентимиз 2000 йилни Соғлом авлод йили деб эълон қилганлари биз дориворларнинг ҳам зиммасига катта масъулият юкледи. Бунинг билан мен хар қадамимда ҳис этаман. Фармацевтика фанлари доктори, профессор Зарифа Назарова раҳбарлигида она қорнида ўтири юклатилан вирус билан касалланган чақалоқларни даволашда ишлатиладиган гозалидон ва пегосин шамчалари яратиш устида илмий изланиш олиб бориаман. Бунинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, ушбу дориларнинг таъсир этувчи ҳамда ёрдамчи моддалари пахта мўйи чинидисидан олинди. Ҳозирда тадқиқотим низолай деб қолди. Биз ўш тадқиқотчиларга институтида замонавий жиҳозланган лаборатория, компьютер маркази, интернет тармоғи, кутубхона истиқлол ишонми сифатида беминнат хизмат кўрсатмоқда. Мустақиллик йиғит-қизларимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқарди. Мен шунинг учун ҳам бахтли ва бахтиёр ўзбек қизиман...

Лола САЛИЕВА — Анорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси аспиранти:

— Дарҳақиқат, институтимизда тадқиқотчи йиғит-қизларга барча шароит муҳайё этилган. Биз биринчи курсданок махсус гуруҳда инглиз тилини, компьютер ва интернетда ишлашни тўлақонли ўргангандик. Бизга интернет ва инглиз тили мутахассислиги бўйича институт сертификати берилди.


Айни кунларда маҳаллий хом ашёми бўлган тозаланган маҳсулот асосида янги сувж ва асаб касалликларини даволашда қўлланиладиган дори турини яратиш устида профессор Собиржон Аминов раҳбарлигида изланиш олиб бориаман. Яна шунинг қўшимча қилиб айтиш мумкинки, институтимиздаги талабаларнинг барчаси интеллектуал салоҳиятга эга. Чунки улар учта-тўртта хорижий тилини, компьютер технологиясини ва фармацевтика мутахассислигини билиди. Институт кутубхонасидан тўқсонинчи йилгача мавжуд бўлган рус тилидаги дарсликларнинг барчаси ўзбек тилида чиқарилган замонавий адабиётлар билан алмаштирилди. Бу эса тенгдошларимизга фармацевтика соҳасини чуқур ўрганишда ёрдамлашмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, мустақиллик хар бир кишига қобилиятини, интеллектуал салоҳиятини намойиш этиши учун шароит тугдириди. Айниқса, аёлларимизга... Чунки, миллатнинг келахаги аёллар қўлида эканлигини барча ҳис қилди. Шунинг учун мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидаок "Соғлом онадан соғлом бола туғилди" деган гўя илгари сурилиб, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи аълоланди. Жорий йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Тошкент Фармацевтика институти профессор-ўқитувчиларининг катта қисмини фидойи аёллар ташкил этади. Сиз юқорида уларнинг мустақиллик рўёбга чиқарган орзулари билан ўртоқлашдингиз.

Ҳозирда республикамиз ҳудудидан ўсадиган ўсимликлардан олинган дори турларининг тиббиётга кенг қўлданда кириб келатганини институт олимлари зиммасига ўсимликларни маданийлаштириш, парварши қилиш технологиясини ишлаб чиқиш, уларнинг таркибиди биофаол моддаларни ўрганиш, ўсимликларнинг ҳосил бўлиш ва турли органларида йиғилиш ҳолатларини аниқлаш ва янги прогрессив ген-инженерия усулларини дориворликка кенг тадбиқ этиш вазифаларини юклатмоқда. Бу борада институт олимларига куч-қувват тилаймиз. Хали бундай давра сўхбатларимиз давом этаверади.

Давра сўхбатини Файзулла ЭШКУЛОВ тайёрлади



"Сурат ва сийрат" фототаълимига

Содиқ МАҲҚАМОВ олган сурат

Пойтахтимизнинг ҳаёт жўшқин ва ўзгача кечгўвчи гўшаларидан бири бўлмиш Талабалар шаҳарчасида ажойиб анъана бор. Сиз бу шаҳарчага айнан жума кунлари бориб кўрганмизми? Бу ерда хар жума оқшоми талабалар билан санъаткорларнинг дийдорлашув кечалари бўлиб ўтади. "Жума оқшоми" тадбири бир қарашда шунчаки талабаларнинг хордик чиқаришлари учун ташкил этилган дастурга ўхшасада, аслида унинг мақсад ва вазифалари кўп. Бу дийдорлашувга ёшларни, аввало, санъатга бўлган муҳаббат етаклайди. Қолаверса, машҳур қўшиқчилардан юзма-юз туриб, қўшиқ эшитиб дам олиш кимга ҳам ёқмайди, дейсиз. Шунинг учун ҳам томоша манзилига атрофдаги маҳалла ахли ҳам келади. "Жума оқшоми"нинг бошқа тадбирлардан фарқи томонлари кўп. Томоша очик майдонда ўтказилгани учун ҳам талабаларга

мажбурлаб тушунтириш мушкул бўлган фикру мулоҳазаларни айнан шу минбардан туриб бемалол етказса бўлади. Ундан ташқари дастур давомида ўтказиладиган викторина саволлари ҳам йиғилганларни фикрлашга ундайди, тўғри жавоб

ласида байрам бўлиб кетади. Қолаверса, Фиёс Бойтоев, Анвар Санаев, Анвар Ганиев, Махмуд Намозов, Ахрор Усмонов каби ёш, изланувчан қўшиқчиларимиз ҳам тез-тез талабалар даврасида бўлиб турадилар. Бундан ташқари кўплаб театр ва кино актёрлари, таниқли сўз усталари, шоир ва ёзувчиларнинг чиқашлари ҳам уюштирилади. Жумладан, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов, Эркин Комилов, Ёдгор Саъдиев, Тўти Юсупова, актёрлар, Раъно

Ярашева, Тоҳир Саидов, Абдурайим Абдуваҳобов, Мадина Мўхторовалар талабалар даврасида янада ёшариб, ёшлиklarини эслаб хушнуд бўлган бўлсалар, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуф, халқ ёзувчиси Шўкур Ҳолмирзаев ушбу давраларда илҳом олган бўлсалар, не ажаб. Яқиндагина бўлиб ўтган "Жума оқшоми" ҳам талабалар ва ҳозирда турли олийгоҳларга ҳўжжат топширган абитуриентлар хотирасида узок сақланадиган бўлди. Муслиқий дастурдан олдин одатга кўра шоҳмўт мусобақалари бўлиб ўтди. Сўнгра, асосий бадиий қисм бошланди. Оқшоми шоира ва актриса Раъно Ярашева бошлаб берди. Шуниси

қизиқки, бу томошага бир эмас, учта машҳур қўшиқчи ташриф буюрганди. Улар, Ахрор Усмонов, Анвар Ганиев ва Фиёс Бойтоевлар эди. Оқшом хар доимигидан файзли кечди. Даврада шўх-шодон ўйнаб-кулаётган талабаларга хаваас-ла боқиб турган абитуриентлар кўзидан "албатта, мен ҳам талаба бўламан" деган фикрни уқиш қийин эмасди. Олийгоҳни битирганлар эса бу жойлардан кетгилари йўқдай... Хуллас, хар жума оқшомида ана шундай зағу ишлар қилинмоқда. Йўлингиз тушса, сиз ҳам албатта бир келиб кетинг. Сизни "Жума оқшоми"да кутамиз!

Хуришдбек РЎЗИЕВ, ЎЗМУ талабаси

"Туркистон"га мактуб

ХОРИЖГА БОРИШНИ ХОҲЛАЙМАН

Айни вақтда чет тилларини ўқиш, ўрганиш ҳаёт заруратига айланди. Етук инсон бўлиш кўпчиликнинг орзуси бўлса керак. Тенгдошларимизнинг баъзилари мактабда чет тилни яқши ўқимаганини сабабли бир-икки ой ичида чет тилдан репетииторга қатнашади. Бу чет тилни ўрганиш учун қисқа вақт. Шундай бўлса-да мен ҳам мактабда чет тилни яқши ўқимаганим сабабли ёд олган сўзларимни ҳиробласам 2000 дан ортибди. Фақат инглиз тилини эмас, бошқа тилларни ҳам билишим зарур. Журват қилиб, инглиз, француз, хинд тилларини ўргансам дейман. Бироқ, кўп тилни ўрганиш оғирлик қилмасмикан, дея ўйланмак қолман. Халқимизда билим олиш итга билан кудук қазиш билан баробар, деган гап бор. Мен юртимнинг фидойи фарзанди бўлишимга ишонман ва мушкулларнинг қанчасидан ўтиш керак бўлса, ўтишга тайёрман.

Шаҳодат МИРЗААЛИЕВА, абитуриент

хеч нарсга тушуниб етмади болакайлар кўзларида маъюслик билан уларни кузатиб қолишди. Қайнона ва келин изтиробдан жигибирон бўлиб, уларга қара-та "бир бурда нону бир пивёла чой билан кунимиз ўтарди-ку", дея фарёд чекишмоқда.

Халқ рўзгор тинчлиги хар қандай бойликдан, тўқин-сонинликдан устун туради. Тўғри, бойлик, бой бўлиш яқши. Бироқ, у қанчака бойлик? Пешона тери эвазига тоғилмаган хар қандай лўкма бир кунмас бир кун кишига ташвиш келтириши турган гап. Чунки биров-

нинг ҳақи ёки бировларни заҳарлаш эвазига ортирилган мол-дунё ҳеч кимга буюрмаган, ҳеч кимсга яқшилик олиб келмаган. Бунга эса мўмай даромад илинжида ноқобил ишга кўл урган Шоюсуф Курбоннинг ҳаёти яққол мисолдир.

КОТИЛ ОТА

Фаргона вилоятининг Тошлоқ туманида рўй берган воқеа ҳам кишини ҳаяжонлантирмай қўймайди. Расул Ж. исмли 36 ўшли киши роса маст бўлган, отаси туғул боласини ҳам танимай қолган шеклини, ўзининг 1-синфда ўқийдиган ўғли Раъваннинг

бўйинга пичоқ тортиб юборган. Натижада ёш гўдак касалхонага етмасдан бандқилини бажо келтирган. Хали мастлиги тарқамган хотил отаси ички ишлар ходимлари қўлга олишиб, унга нисбатан жиноий иш қўзғатишган. Е таваб! Бу инсонларнинг дунёга келишидан мақсади нима? Фарзанди туғилганида қувончдан барчага суюнчи улашган дамлларини наҳотки унутиб қўйишдан бўлишса. Энди бу жиноятчи нимани баҳона қилар экан?

Шўхрат РЎЗИЕВ, ИИБ Матбуот маркази катта инспектори, милиция капитани

Жиноят жазосиз қолмайди

ҚАБОҲАТ

Инсоннинг дунёга келишидан тортиб жамиятда ўз ўрнини топиб кетишигача бўлган даврда отанинг хизмати бекиёслиғи сир эмас. Қолаверса, табаррук зот — отанинг ризолигини олиш Оллоҳ ризолигини олиш билан тенг дейлади: Ҳаётда шундай инсонлар ҳам учраб турар эканки, ўзларининг қабих қилмишлари билан мўътабар зот бўлган оталар обрўсига соя солиб қўйишар экан. Ички ишлар вазирлиги Матбуот марказига келган тезкор хабарларни кузатар эканман, Хоразм вилояти ички ишлар ходимлари томонидан фож этилган жиноят тафсилоти таажубимни оширди.

Вилоят ЖҚБнинг гиёҳвандликка қарши кураш бўлими ДАН ходимлари билан ҳамкорликда "Қорадори тадбири"ни ўтказишаётган пайтда "Тошкент-Урганч" йўналиши бўйича қатновчи "Мерседес" русумли давлат белгиси 11 АС641 бўлган автобус Пит-нак шаҳридаги ДАН масканда текшириб кўрилганида унинг йўловчилари — 1983 йилда турлиган фуқаро Барно Анорбоевнинг белига 1 кило 77 грамм, Айша Ҳакимова белига 2 килограмм 26 грамм қорандонини бойлаб олиб кетаёганлиги маълум бўлади. Дастлабки суриштирувлар маҳаллида бу икки аёлдан бирига ота, иккинчиси

га қайнота ҳисобланмиш — 1959 йилда туғилган Туркманистоннинг Тошқоғув вилоятида яшовчи Очил Анорбоев қорадорини қизи ва келинининг белига бойлаб қегарадан олиб ўтмоқчи бўлганлиги аниқланди. Е алҳазар, инсон зоти наҳотки пул, мол-дунё учун шу қадар тубанликка борса. Демак, бу инсон мол-дунёга ўқлигидан алақачон инсонийлигини унутган. Пулнинг орқасидан қувавериб, эс-хушини йўқотган. Бўлмаса, чамилдикка кирмаган қизини ўз инон-ихтиёри билан бахтиқаро қилган отани ота дейиш мумкинми? Балки у бу ишни қизининг бахти ёки

келинининг тахти учун қиялпан деб ўйлаган бўлса, ажаб эмас. Наҳотки, 40 ёшни уриб қўйган бу инсон бахтини жиноий йўл билан топиб бўлмаслигини англамаган бўлса? Қолаверса, 25 ёшли келинини ҳам тубоиз жарликка кулатган бу қайнотани жиноятга шерик келинининг қарғишлари, қўлидаги гўдаги, кўз ёшлари тинч қўярмикан?


ОДАМ АҚЛИНИ ЙЎҚОТМАСИН ЭКАН

Қарши шаҳри Пахтазор мавзёида Шоюсуф Курбоннови 48 ёшида шайтон йўлдан урди. Бўлмаса, "Камалак" хусусий фирмасининг бошлиғи тўқликка шўхлик қилармиди? У ҳали 23 ёшга тўлмаган ўғли Муродга тўғри йўл кўрсатиш ўрнига эгри йўлга бошлади. Улар бинийидек яшаб келишар, рўзғори буги, топилти-тутилари яқши эди. Бироқ нафси бузук Шою-

суф Курбоннов гўё ҳеч нарсга билмайдигандек ўғли Мурод ва ҳайдовчиси Раҳим Хамроевни гиёҳванд моддалар сотишга ундайди. Улар иккаласи миқозини синая кўриш шарт билан 3 грамм героин гиёҳванд моддасини 30 минг сўмга пуллаётганда тузоққа тушди. Шоюсуф Курбонновнинг уйи тинтув қилиниши чоғида ўғли Мурод оппоқ қалтага ўралган гиёҳванд моддасини ювиниш хонасидида ванна остидадан ходимлар иштирокда олиб чиқиб беради. Мурод топиб берган халта ичида гиёҳванд модда миқдори 801 грамм ўткир хидли героин эканлигига нима дейсиз? Отанинг бойликка ружу қўйиши ўғлини ҳам қора гирдобга тортиб юборди. Натижада бутун бошли катта бир оиланинг тинчи бузилди. Отаси ва бобосининг қилмишидан воқиф бўлган, аммо хали

Газетхон илҳомлари

ҲАР ДАҚИҚА ХАЁЛИМДА, ЁДИМДАСАН



Ҳолдусимиз
Сизни юлдуз десам, осмонда ўзим,
Яккаю ягона, танҳо тураман.

МУҲАББАТ

Эй, юрак торимни чертган муҳаббат,
Ўн етти ёшимда юракка кирдинг.



Ўтар кунлар, ўтар тунлар қалбимдасан,
Ҳар дақиқа хаёлимда, ёдимдасан,

Баҳорнинг энг гўзал куни биз учрашдик,
Гул-лолалар териб бирга, биз қувнашдик.

Дардли ўтмиш хотираси ёддан чикди,
Кўнглим тўлиб юрагимга селди.

БЕВАҚО

Энди иккимиз ҳам бошқачароқмиз,
Бир-биримиздан жуда йироқмиз.

Яшардим ҳаммаша сенга талпиниб,
Интизор кутардим сендай алпиниб.

Умримиз боғларин босмоқда кузлар,
Умидлар яшаган баҳорин излар.

Биламан, бир куни келасан қайтиб,
Минг бора ёлвориб, тазару айтиб.

Дилбар АБДУҚОДИРОВА

ларди маҳоратини сидқидил-
дан ўргатишмоқда. Улар ора-
сида халқимизнинг хурмат
эътиборини қозонган рас-
сомлар Раҳим Аҳмедов, Қул-
луг Башаров, Нурмағамма

Никоҳ — дарёдай қирғоғига сиймай оқайтган икки дилнинг қовушган дами.

Мусулмончилик урф-одатига кўра ҳар бир ота-она вояга
етган ўглини уйлантиради, буйи етган қизини турмушга чи-
каради.

ЭЛЧИГА ЎЛИМ ЙЎҚ, СОВЧИГА ҲАМ...

далари бўлинглар. Биров қўйган совчи ус-
тига то улар ўзаро битишгунча ёки тарк
қилишгунча, совчи юборманлар".

СИЗ СЕВГАН ҚЎШИҚ

Замонавий ва мумтоз қўшиқлар хит-паради
"Туркистон" газетаси
Ўзбекистон телевиде-
ниесининг "Ассалом,
Ўзбекистон!" бош му-
ҳаррирати

Сирдош

Совчиликка элинг, маҳалланинг, қишлоқ-овулнинг энг
иззат-обрули, сузи ерда қолмайдиган оқсоқол кишии тан-
ланади.

УЛ БУЛБУЛИ ЯНГИ АРАБ*

Хос одамлар орқали соғлиқ-саломатлигини, жисмонан
камолотини аниқладим. Келин бўлиш насли-насаби, одоб-
ахлоқи, соғлом ва бақувватлиги билан барча қуруллардан
холи бўлсагина эл-юртга тўй-томоша бериб, келин турмуш-

УЛ БУЛБУЛИ ЯНГИ АРАБ*

Охунжон МАДАЛИЕВ хотирасига
Яйраганимиз ҳофизга қараб,
Дил-дилдан янграган наво,
Улашгани энг ширин ҳаво.



Кўнглимизга тушди тош бугун,
Эгилди не учун бош бугун?

Раъно ЭРГАШЕВА
суҳбатлашди

«Абитуриент — 2000»

ЗИММАМИЗДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ҲАР ҚАДАМДА ҲИС ЭТАМИЗ

Камолитдин Бехзод номидagi
Расомлик ва дизайн Миллий
институтини ректори, академик
Саъдулла АБДУЛЛАЕВ билан суҳбат

— Мамлакатимизда тас-
вирий санъат институтини
қандай мақсадни кўзлаб
ташқил этилганди. Ва у
ўтган даврда зиммасидаги
вазифаларни қай даража-
да бажара олди?

— Тасвирий санъатнинг
ёшларимиз маънавиятини
шакллантиришдаги ўрни бе-
киёслиги ҳамда унинг аср-
ларга бадий образлар орқали
ахборот етказиш хусуси-
ятлари ҳисобга олиниб, ис-
тиқлол йилларида мамлакатимиз-
да Бадий академия ва
унинг бўлимлари ташқил
этилди. Шу пайтдан бошлаб
уларни малакали кадрлар
билан таъминлашга эҳтиёж
туғилди.

— Институтда талаба-
ларга минтақамизда танил-
ган машҳур расомлар
дарс беради, деб эшит-
ганимиз?

Ўзбекистон Бадий академияси ўқишга марҳамат!

Қошидаги К.Бехзод номи Расом-
лик ва дизайн Миллий институтини 2000-2001 ўқув
йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича
ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

(кундузги бўлимларга)
Ранг-тасвир (турлари бўйича):
Дастгоҳли ранг-тасвир
Маҳобатли ранг-тасвир
Театр бетақ ранг-тасвир
Тасвирий санъат асарларини таъмирлаш
Дизайн (турлари бўйича):
Саноат дизайни
Амалий графика ва реклама
Архитектор расом
Амалий санъат (турлари бўйича):
Бадий кулличилик
Меъморий ёдгорлик беагини таъмир-
лаш
Амалий санъат асарларини таъмирлаш
Графика (турлари бўйича):
Китоб графикаси
Каллиграфия ва миниатюра
Маҳобатли ҳайкалтарошлик
Музейшунослик
Санъатшунослик
Касбий педагогик тайёргарлик бўйи-
ча:

4. Математика. Саноат дизайни бўлими-
да (тест).
Институтга кириш учун аризалар 2000
йилнинг 19 июнидан 19 июлигача қабул
қилинади. Ижодий имтиҳонлар 2000 йил-
нинг 20 июлида бошланади. Хужжатлар
иктисосликлар бўйича йўналтириш хайъа-
ти қарори асосида қабул қилинади.
Санъатшунослик. Музей иши ва
ёдорликларни сақлаш мутахассисликла-
ри бўйича кирувчилар ёзма рефератлар-
ни, Тасвирий ва амалий санъат мутахассис-
ликлари бўйича кирувчилар эса ижодий
ишларни иктисосликлар бўйича йўналти-
риш хайъатига кўрсатадилар.
Чет эл фуқаролари ўқишга давлатлар-
аро келишувга ва битимга асосан қабул
қилинадилар.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:
1. Мутахассислик бўйича (кўп балли ти-
зим асосида).
2. Она тили ва адабиёт (тест).
3. Тарих (тест).
Манзил: 700031. Тошкент шаҳри, Ю.Ражабий, 77-уй.
Тел (8-371): 152-34-58, 152-34-56

ИНСТИТУТГА КИРИШ ҲАҚИДАГИ АРИ-
ЗАГА ҚУЙИДАГИ ХУЖЖАТЛАР ИЛОВА
ҚИЛИНАДИ:
А) Маълумоти ҳақидаги хужжатларнинг
асл нусхаси;
Б) №086-У шаклдаги тиббий маълумот-
нома;
В) Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадор-
лиги хусусидаги хужжат (шаҳсан кўрсати-
лади);
Д) Меҳнат дафтарчасидан кўчирма ёки
маҳалла кўмитасидан маълумотнома;
Е) 3х4 ҳажмдаги 8 та фотосурат.

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ

Қуйидаги бакалавр ва магистр йўналишларига
2000-2001 ўқув йилига қабул эълон қилади:
Бакалаврият йўналиши шифри ва
номи (ўқиш муддати кундузги (к) бўли-
мида 4 йил, сиртки (с) бўлимида 5
йил):
B341100 — Менежмент (соҳалари бўйи-
ча) (к, с);
B163600 — Телекоммуникациялар (кас-
бий-педагогик тайёргарлик) (к);
B522300 — Телеком-
муникациялар (к, с);
B522500 — Радиотех-
ника (к);
B522600 — Информа-
тика ва информацион
технологиялар (к);
B840500 — Почта хиз-
мати (к).

Магистратура йўна-
лиши шифри ва номи (ўқиш муддати
бакалавриятни битирганларга 2 йил,
дипломли мутахассисларга 1 йил)
M341101 — Телекоммуникация корхона-
ларида менежмент;
M522301 — Телекоммуникация тармоқ-
лари ва коммутация тизимлари;
M522302 — Узатишнинг телекоммуни-
кацион тизимлари;
M522303 — Радиоалоқа, радиоэшитти-
риш ва телевидение;
M522305 — Телекоммуникация тизим-
ларининг дастурий таъминоти;
M522309 — Телекоммуникациялар бўйи-
ча педагог;
M522315 — Телекоммуникация тизимла-
ри жиҳозларини
Йиғиш;
M522318 — Электралоқанинг бошқарув
тизимлари ва
рақамли техника.
Институт замонавий жиҳозланган ўқув-
лабораториялари, ўқув хоналари, вилоят-
дан келганлар учун тала-
балар уйи (ётоқхона), дам
олиш ва соғломлаштириш
мажмуалари ҳар хил тур-
даги спорт майдонлари-
га ага.

Манзил: Тошкент-84, Амир Темуру кўчаси, 108-уй
Автобуслар: 9, 24, 51, 60, 67, 72, 91, 93, 95, 115.
Трамвайлар: 2, 3, 16, 25, 28, 29 "Интерконтинентал мейдонхо-
наси" бекати.

ҚАЙГУНИНГ ДУШМАНИ ҚАЙГУ БЎЛДИМИ?..

Душанба куни эрталаб
эндигина уйдан чиқиб ке-
таётганимда Ўзбекистон
телеканалининг "Ассалом,
Ўзбекистон!" кўрсатуви
орқали Охунжон Мадалиев
(раҳматли)нинг ҳар тўртин-
чи сатри "Бу дунёда мен
бўлмасам ҳам" деб тугал-
ланувчи қўшиғини бериб
қолишди. Ҳофизимизнинг
бевақт ўлимидан бехабар
ҳолда қўшиқ таъсири бил-
лан ишонага келганимда
ҳамкасб қизнинг қайғули
нигоҳи қарши олди:
— Эшитдингизми, Охун-
жон Мадалиев...
— АТ Нера?
Тақдирга тан беришни
ҳеч қачон хоҳламасак-да,
афсуслар бўлсин, бундай
жудодик олдидан ҳар доим
қайғу бўларкан-да, дея
янги бир ҳақикатни англаб
ётаётганимиз, балки...
Шодибек ОТАМУРОД

Суёюнчиси бор

Ҳурматли "Туркистон"! Сизнинг ёрдамингиз ке-
рак бўлиб қолди.
Шу йил 24 июнь, шанба куни, кеч соат 20.30 да
Навоий айланма ҳаракати бекатида ўтириб ён дафт-
тарчани ичидаги паспортим билан унутиб қолди-
рибман. Ён дафтарчани ичида ўзим тўғримида барча
маълумотлар ва телефон рақамлари, шунингдек бир
қанча қимматли маълумотлар бўлган. Топиб олган
одамга катта миқдорда пул суёюнчиси бор. Илтимос,
шуни эълон қилсангизлар. Умидим сизлардан.
Мен Абдуллаев Музаффар, 1980 йил 10 майда
Наманган шаҳрида туғилганман. Паспорт серияси
СН 0298229. 1996 йил 10 майда Наманган шаҳар
ИИБ томонидан берилган
Телефоним: 3-24-42

Туркистон
МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ

Бош муҳаррир
Салим АШУРОВ
Тахрир хайъати:
Ҳотам АБДУРАИМОВ, Файрат ШОУМАРОВ,
Лайло КАРИМОВА (Бош муҳаррир ўринбосари),
Авазхон СОДИҚОВ, Анвар ЖАББОРОВ,
Насриддин МУХАММАДИЕВ,
Бахтиёр ШОХИСМОИЛОВ (масъул котиб),
Шоаим МИНАВВАРОВ,
Ғаффор ХОТАМОВ, Комил ЮСУПОВ

Манзил:
700083, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.
Мухбирлар 133-95-97
Хатлар бўлими 133-79-69

Навбатчи муҳаррир
Маъруф ТОШПУЛАТОВ
Тахрирнинг юборилган материаллар
қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри тахрирнинг нуқтан
назаридан фарқланishi мумкин.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа кон-
сервацияси
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўча-
си, 41
Буюртама Г. — 610,
Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бечини А-2.
Босишга топшириш вақти-20.00
Топширилди:
1 2 3 4 5 6